2007 YIL 22 IYUN, JUMA 77 (7226) - son

# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

kishlokhayoti@mail.ru

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan


**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 21 июнь куни Наманган ва Андижон вилоятларига ташриф буюрди.**

# Юртимиз ободлиги – фаровонлик ифодаси

**Юртбошимиз реконструкция қилинаётган Наманган аэропортида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.**

Реконструкция ва таъмирлаш ишлари якунига етгач, шаҳар ҳаво порти халқаро аэропорт мақомини олади. Шу кунга қадар кутиш заллари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Ҳаво ҳаракатини бошқариш тизими янгиланди.

Давлатимиз раҳбари аэропортни замонавий талабларга мос, юқори даражада сервис хизмати кўрсатадиган, йўловчилар учун барча қулайликларга эга ҳаво портига айлантириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди. Реконструкция ва таъмирлаш ишларини белгиланган муддатда сифатли амалга ошириш борасида мутасаддиларга зарур топшириқлар берди.

Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Наманган филиали Тўрақўрғон туманида жойлашган. Филиал ғўза селекцияси ва уруғчилиги, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини оширишда алмашлаб экиш тизимини ишлаб чиқиш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари агротехнологияларини такомиллаштириш борасида илмий изланишлар олиб бориладиган йирик илмий марказлардан ҳисобланади. Бу ерда кузги буғдойнинг "Тўрақўрғон-И" нави яратилди ва 2005 йили давлат реестрига киритилди. Айни пайтда филиал ходимлари томонидан яратилган ғўзанинг "Тўрақўрғон-1", "Тўрақўрғон-2", "Тўрақўрғон-3" навлари ҳам синовдан ўтказилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ушбу илмий марказда олимлар ва бир гуруҳ фермерлар билан суҳбатлашди. Уларнинг меҳнат ва турмуш шароити билан қизиқди. Юртбошимиз оиламиз кўрки ва таянчи бўлган хотин-қизларнинг оиладаги, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги мавқеи ва фаоллигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини қайд этди.

— Аёл ўзини бахтли ҳис этса, оила ҳам бахтли бўлади, — деди Юртбошимиз. — Халқимиз — болажон халқ. Бизнинг орзу-ҳавасларимиз, ниятларимиз — барча-барчаси фарзандларимиз камоли билан боғлиқ.

Президентимиз қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини янада оширишга жиддий эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Зеро, халқнинг тўкинлиги кўп жиҳатдан қишлоқларимиз фаровонлиги билан боғлиқ.

— Қишлоқларнинг ободлиги фермерлик ҳаракати, тадбиркорлик ва хусусий бизнес ривожига бевосита боғлиқ. Юртнинг истиқболини таъминлайдиган, эл юкини кўтара оладиган фермерлар, тадбиркорлар Наманган вилоятида ҳам кўпчиликни ташкил этади, — деди давлатимиз раҳбари.

Вилоятдаги фермерлар сони салкам 13 мингга етди. Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ширкатлар бутунлай тугатилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш тўлиқ фермерлар зиммасига ўтди.

Қарийб 200 минг гектар майдонда деҳқончилик қилаётган наманганлик миришкорлар 103 минг гектардан зиёд майдонда ғўза парваришламоқда. 74 минг 272 гектар ерда пишиб етилган ғалла эса ўриб-йиғиб олинмоқда.

— Қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилишда ривожланган давлатларда синовдан ўтган самарали йўлни — фермерликни танладик, — деди Ислом Каримов. — Биз танлаган йўл тўғри эканини ҳаёт кўрсатмоқда, яъни ўз самарасини бермоқда. Буни Наманган вилояти фермер хўжаликларининг пахтачиликдаги улуши 82, ғаллачиликдаги ҳиссаси 86 фоизга етганидан ҳам кўриш мумкин.

— Фермерликни бошлаганимга ўн бир йил бўлди, — дейди Косонсой туманидаги "Тошкент" фермер хўжалиги раҳбари Каримахон Бобохонова. — Мен оддий бир қишлоқ аёли эдим. Фермер бўлиб, дунё кўрдим – кўплаб мамлакатларга бордим. Хўжалигимизнинг 83 гектар ери бор. Ўтган йили 32 миллион сўм соф фойда олдик. Ҳозир тикувчилик цехи очиш ҳаракатидамиз.

— Фермерлик туфайли ўғил-қизларим олий маълумотли, уйли-жойли бўлди. Фарзандларим ёнимга кирди. Чўл ҳудудида жойлашгани боис еримизнинг унумдорлиги нисбатан пастроқ. Аммо қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ, — дейди Мингбулоқ туманидаги "Юсуф бобо" фермер хўжалиги раҳбари Ҳакимжон Юсупов.

Президентимиз унумдорлиги паст ерларда деҳқончилик қилаётган фермерларга муайян имтиёзлар бериш лозимлигини таъкидлади.

Фермерларимиз деҳқончилик билан чекланиб қолмай, қўшимча соҳалар, хусусан, чорвачиликни ривожлантиришга ҳам эътибор қаратсалар, олаётган даромадлари янада ошади. Буни Косонсой туманидаги Ҳамидхон Мўйдинхўжаев раҳбарлик қилаётган «Чашмаи сафед» фермер хўжалиги мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

— 216 гектар еримиз бор, — дейди Ҳ.Мўйдинхўжаев. — Асосан чорвачилик билан шуғулланамиз. 600 бош қорамолимиз бор. Хўжалигимизда бир кунда 2 минг литрдан кўпроқ сут соғиб олинади. Замонавий технология асосида ўзимиз етиштирган маҳсулотни қайта ишлаяпмиз.

Юртбошимиз «Чашмаи сафед» каби фермер хўжаликлари тажрибасини оммалаштириш, бошқаларга ҳам қайта ишлаш саноатини ривожлантиришда ёрдам бериш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

— Қишлоқ аҳолисининг тақдири фақат деҳқончиликка боғланиб қолмаслиги керак, — деди Юртбошимиз. — Тадбиркорлик билан шуғулланиши учун уларга янада кенгроқ имкониятлар яратиб беришимиз лозим. Токи, қишлоқда хизмат кўрсатиш ва сервис хизмати тизими замон талаби даражасида ривожлансин. "Микрокредитбанк" бу борадаги ишларни янада кенгайтирмоғи лозим.

Мамлакатимизда тиббиёт тизимини ислоҳ қилишга, аҳолининг тиббий маданиятини, тиббий хизмат сифатини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ижтимоий ҳимоя йилида бу борадаги эзгу ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Хусусан, жойларда янги тиббиёт муассасалари, соғломлаштириш масканлари барпо этилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ана шундай муассасалардан бири — Наманган шаҳридаги "Saydana" тиббиёт маркази фаолияти билан танишди. Ушбу марказда замонавий лаборатория, радиология, эндоскопия, кардиология бўлимлари мавжуд.

Ислом Каримов шаҳарнинг "Тинчлик" майдонида амалга оширилаётган қурилиш-ободонлаштириш ишлари билан ҳам танишди. Наманганнинг асосий майдони баҳаво ва яшил ҳудудга, вилоят аҳлининг севимли масканига айланиши лозимлигини алоҳида уқтирди.

Президентимиз Ислом Каримов куннинг иккинчи ярмида Андижон вилоятига ташриф буюрди.

Ислом Каримов Олтинкўл туманидаги "Ихлос барака" фермер хўжалиги шийпонида фермерлар, туманлар ҳокимлари, банклар раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашув чоғида бугунги кунда фермерлик ҳаракати вилоятда қандай ривожланаётгани, андижонликлар тафаккурида мулкка, ерга эгалик туйғуси қай даражада шаклланаётгани, шунингдек, фермерларнинг эришган ютуқлари ва уларнинг фаолиятини янада ривожлантириш учун ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар билан қизиқди.

Юртимизнинг бошқа ҳудудларига нисбатан бироз кечроқ бўлса-да, вилоят қишлоқ хўжалиги соҳасида фермерлик жадал ривожланмоқда. Бошқача айтганда, Андижонда ҳам ер ўз эгасини топди.

Вилоятда 16 минг 193 фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, улар 239 минг гектар ернинг соҳиби ҳисобланади. Фермерлар ўтган даврда пахта, ғалла ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириб, бу борада олиб борилаётган сиёсатнинг нақадар тўғри эканлигини амалда исботлади: 2006 йили вилоят пахтакорлари етиштирган пахтанинг 64,3 фоизи айнан фермерлар ҳиссасига тўғри келди.

Жорий йилда вилоят миришкорлари 113 минг 200 гектар ерда ғўза парваришламоқда. Вилоят бўйича бу йилги ялпи пахта ҳосили мўлжали – 349,7 минг тонна. Ана шу шартнома мажбуриятларини кўнгилдагидек адо этишда фермер хўжаликларининг улуши катта бўлиши кутилмоқда.

Кейинги йилларда вилоятда кузги буғдойнинг истиқболли "Андижон-1", "Андижон-2", "Чиллаки" каби навлари синовдан муваффақиятли ўтди.

(Давоми 2-саҳифада)

# Тошкентда талаба ёшларнинг спорт байрами бошланди





# “Универсиада-2007” машъаласи порламоқда!

## “Универсиада-2007” спорт ўйинлари иштирокчиларига

**Азиз фарзандларим!**
**Муҳтарам устоз ва мураббийлар!**

Бугун азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида барча спорт ишқибозлари ва ихлосмандларининг, бутун Ўзбекистон ёшларининг эътиборини ўзига тортадиган катта бир воқеа - "Универсиада-2007" ўйинларининг тантанали очилиши билан сизларни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Биз мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, юртимизда эркин ва обод демократик жамият қуриш, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашдек эзгу вазифани ўз олдимизга қўяр эканмиз, ана шу юксак мақсадларга эришиш йўлида юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, аввало, ҳаётга кириб келаётган ёш ва навқирон авлодга нисбатан замоннинг талаби тобора ортиб бориши табиийдир.

Бугун сизларга ўз бағрини очаётган муҳташам стадион ва спорт майдонларига тўпланган сиз — азиз фарзандларимиз ва барча тенгдошларингиз учун бу ҳақиқат яхши аён, деб ўйлайман.

Ана шундай вазият, дунё миқёсида тобора кучайиб ва мураккаблашиб бораётган кураш униб-ўсиб келаётган авлоддан миллий ва умуминсоний қадриятларни, замонавий илм-фан ва технология ютуқларини чуқур ўзлаштириш, ўзининг бор кучи ва салоҳиятини эл-юртимиз манфаати ва келажаги йўлида сафарбар этишни талаб қилмоқда.

Шу билан бирга, олдимизда турган буюк мақсадларга эришишда ўғил-қизларимизнинг ёшлик чоғидан жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши, ҳар томонлама соғлом ва бақувват бўлиб вояга етиши, ҳеч кимдан кам бўлмасдан юксак спорт чўққиларини эгаллаши алоҳида ўрин тутади.

Айни шу мақсадда юртимизда истиқлолнинг биринчи кунларидан бошлаб фарзандларимиз қалбида спортга меҳр ва ҳавас уйғотиш, бу соҳадаги барча ютуқларнинг пойдевори бўлмиш болалар спорти ривожи учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шаҳар ва қишлоқларда, мактаб, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртлари қошида энг замонавий талабларга жавоб берадиган спорт мажмуалари ва иншоотлари барпо этиш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Ва бундай кенг кўламли ишларимизнинг натижаси ва самарасини бугун ҳар қадамда кўрмоқдамиз.

Бугунги кунда Руслан Чагаев ва Рустам Қосимжонов, Муҳаммадқодир Абдуллаев ва Армен Багдасаров, Дилшод Мансуров ва Абдулла Тангриев, Гўзал Хуббиева ва Мафтуна Тўхтасинова, Рустам Саидов ва Ўткирбек Ҳайдаров ҳамда уларнинг издошлари бўлган юзлаб шижоатли ёшларимиз энг нуфузли халқаро мусобақаларда, жаҳон ва қитъа беллашувларида ёрқин ғалабалари билан Ватанимиз шуҳратини тараннум этиб, дунё аҳлини ҳайратда қолдирмоқда.

Энг муҳими, ана шундай фидойи ўғил-қизларимиз тимсолида мамлакатимизнинг ўсиб-янгиланиб, кучли ва қудратли давлатга айланиб бораётгани яна бир бор намоён бўлмоқда. Ёшларимиз шарафига баланд кўтарилаётган Ўзбекистон байроғи минг-минглаб спорт ихлосмандлари, халқаро жамоатчилик томонидан қизғин олқишлар билан кутиб олинаётганининг ўзи шу юртда яшаётган ҳар қайси инсонга чексиз ғурур ва ифтихор бахш этиши шубҳасиз.

Шу борада уч босқичдан иборат узлуксиз тизим - "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт ўйинлари бу йўналишдаги амалий ишларимизнинг яққол намунаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Спортга ёшликдан ихлос қўйиб, унинг сир-асрорларини ўрганиш, машаққатли машғулотларда чиниқиш, иродасини тоблаш, мардлик ва матонат, ўз-ўзини енгиш, ўз олдига қўйган мақсадларга эришиш учун бор куч-ғайратини сафарбар этиш каби хусусиятларни камол топтириш айнан мана шу уч поғонали ноёб тизимнинг моҳиятини ташкил этиб, миллионлаб ёшларимиз учун маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугун бошланаётган, ана шу мактабнинг юқори босқичи бўлган Универсиада ўйинлари ҳам азму шижоат ва қатъиятлик, холислик ва ҳалоллик, ўз рақибига ҳурмат, бир сўз билан айтганда, ғалабага бутун борлиғи билан интилиш ва бағрикенглик туйғуларини намоён этадиган чинакам кураш майдони бўлади, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшиласиз.

Сизларнинг мана шундай олижаноб фазилатларингизни, кескин ва муросасиз беллашувлар натижасида юксак шоҳсупаларга кўтарилишингизни оила аъзоларингиз, тенгдошларингиз телевидение ва матбуот орқали ҳаяжон билан кузатиб бориши, бу ўйинлар барча спорт мухлислари, бутун халқимизнинг эътибор марказида бўлиши табиий, албатта.

Қадрли ўғил-қизларим!

Барчангизни бағримга босиб, бугунги байрам билан яна бир бор қутлар эканман, сизларга сиҳат-саломатлик, ғалаба, бахт ва омад ёр бўлишини тилайман.

Ўз ақл-заковатингиз, билим ва тафаккурингиз, куч-ғайратингизга, тоғдек таянчингиз - буюк Ватанимизга суяниб, маррани катта олинг, азиз фарзандларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг "Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт", деган сўзларида Ўзбекистон ёшларини тарбиялашга йўналтирилган давлат сиёсатининг бутун моҳияти ўз ифодасини топган. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш учун зарур шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган таълим ва тарбияга оид "ўзбек модели"нинг самарадорлиги бутун дунёда эътироф этилган. Ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга оммавий равишда жалб этиш мазкур тизимнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Универсиада мусобақаларининг анъанавий тус олгани спорт йигит-қизларимиз ҳаётидан мустаҳкам ўрин эгаллаётганидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 16 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада-2007» спорт мусобақаларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мазкур спорт анжуманининг якуний босқичи 21-24 июнь кунлари Тошкентда бўлиб ўтади.

...Ниҳоят куннинг тафти пасайиб, енгил шаббода эса бошлади. Тошкентнинг энг замонавий стадионларидан бири — «Ёшлик» спорт мажмуаси трибуналари томошабинлар билан тўла.

Универсиаданинг чорлов мусиқаси янграйди. Майдонда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари саф тортади.

Тошкент шаҳри ҳокими А.Тўхтаев Ўзбекистон олий ўқув юртлари талабаларининг «Универсиада-2007» спорт мусобақаларини очиқ деб эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Универсиада-2007" спорт ўйинлари иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Г.Аъзамова ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи кўтарилади.

Мамлакатимиз спортчи ёшларининг рамзи сифатида Универсиада байроғи кўтарилади.

Универсиада иштирокчилари бўлажак спорт мусобақаларида ҳалол, мард ва муросасиз бўлиш ҳақида тантанали қасамёд қиладилар.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ёш авлодни соғлом, кучли, ғалабага интилувчан инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган уч босқичли тизим бугунги кунда бутун дунёда янги технология сифатида тан олинган. У ҳар томонлама пухта ўйланган, илмий асосланган бўлиб, Олимпия ҳаракати тамойилларига тўлиқ жавоб беради. Ушбу тизим мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», коллеж ва лицейлар ёшларининг «Баркамол авлод» ва республика олий ўқув юртлари талабаларининг Универсиада спорт мусобақаларини ўз ичига олади. Шу тарзда соғлом турмуш тарзи фалсафаси ёшларимиз онгига болаликдан сингдирилади ва спорт аста-секин бутун мамлакатимиз аҳолиси турмуш тарзининг таркибий қисмига айланиб боради.

Бу ишнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Зеро, халқимиз олдида турган энг эзгу мақсадларга эришиш, мамлакатимизнинг мустақиллиги ва фаровонлигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни, буюк келажаги, энг аввало, ўсиб келаётган ёш авлодга боғлиқдир.

Спорт саломатлик ва жисмоний ривожланиш гарови бўлиб қолмай, айни пайтда у йигит-қизларимизда мустаҳкам ирода, ўз кучи ва имкониятларига ишонч, мардлик ва ватанпарварлик, эл-юртга садоқат каби фазилатларни шакллантиради. Дарҳақиқат, бизнинг мамлакатимизда мустақиллик йилларида иқтидорли, маънавий баркамол ёш авлод вояга етди. Улар жамият ҳаётининг турли соҳаларида беқиёс ютуқларга эришмоқда ва буюк ишларга қодирлигини намоён этмоқда. Ўзбек спортчиларининг Олимпия ва Осиё ўйинларида, бошқа нуфузли мусобақаларда эришган муваффақиятлари бунинг яққол далилидир. Уларнинг спортда қўлга киритаётган юксак натижалари Ўзбекистон шуҳратини бутун дунёга тараннум этмоқда.

Мамлакатимизда мунтазам равишда ўтказиб келинаётган мактаб, лицей ва коллежлар ўқувчиларининг оммавий спорт мусобақалари, айниқса, Универсиадалар йигит-қизларимизга катта спорт эшикларини очиб бермоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

# Юртбошимиз йўл-йўриқлари қўл келади

***Юртбошимизнинг ҳар гал вилоятимизда бўлишлари янги ниятларнинг туғилишига, ободончилик ишларига туртки беради. У кишининг биз — фермерлар билан алоҳида учрашиб, дилдан суҳбат қуришларини айтмайсизми?***

Бу каби мулоқотлар руҳимизга руҳ, кучимизга куч қўшади. Кўнглимизни фахр-ифтихор ҳиссига тўлдиради.

Президентимизнинг бухороликларнинг интеллектуал салоҳияти, қобилияти, меҳнатсеварлиги ҳақидаги фикрлари барча юртдошларимиз қатори мени ҳам янада яхшироқ ишлашга, мустақиллик берган имкониятлардан тўлароқ фойдаланишга чорлаяпти.

Фермерлик фаолиятини 2000 йилда бошлаганман. Ўшанда уч мақсадни олдимга қўйгандим. Биринчиси, пахта ҳосили ва сифатини ошириш, иккинчи мақсад олинган даромад эвазига хўжалик моддий-техника базасини

**Эътироф**

мустаҳкамлаш, учинчиси қишлоғимиз ободлиги, фермер хўжалигимиз аъзоларининг фаровон турмуш кечиришларига имкон қадар ҳисса қўшиш.

Ниятинг — йўлдошинг, дейишганича бор экан. Кейинги йилларда ҳар гектар ердан қирқ центнердан ошириб пахта олиш одатимизга айланди. Дастлабки тўрт йил ичида даромадимиз ҳисобидан "Алтай", "МТЗ-80", "ТТЗ-80" русумли тракторлар сотиб олдик. Қишлоқ йўлига асфальт ёткизиб, ташландиқ ерда икки гектар боғ қилинди. Ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдам берапмиз. Иккита шундай хонадонга сигир ҳадя этдик.

Бу йил 44 гектар ерда пахта етиштираяпмиз. Ғўза қатор орасига сифатли ишлов берилмоқда. Экин оби-тобида суғорилаяпти. Мақсадимиз, мўл ҳосил етиштириш эвазига даромадни кўпайтиришдан иборат. Бу йўлда Юртбошимизнинг биз — деҳқонларга, қишлоқ мулкдорларига кўрсатаётган ғамхўрликлари, бераётган йўл-йўриқлари қўл келади, албатта.

**Собир ҲАМИДОВ,**
**Ромитан туманидаги "Сардариболо" фермер хўжалиги раҳбари.**

*Бухоро вилояти*

Ўқинг, қизиқ!

# Етти иқлим боғи

**Ўрта Осиё халқлари бундан икки-икки ярим минг йил муқаддам тола берувчи ҳамда донли ва мойли ўсимликлар етиштириш билан шуғулланганлар. Боғларга манзарали дарахт кўчатлари ўтқазганлар. Қадимги Юнонистон ва Рим манбаларида, жумладан, Геродот, Плиний, Птоломей ва бошқа тарихчиларнинг Ўрта Осиё ҳақида маълумот беришларича, эрамиздан олдинги VI-V асрларда Мурғоб, Зарафшон, Амударё ҳавзаларида, Марғиёна ва Сўғдиёна ерларида боғ ҳамда хиёбонлар кўп бўлган.**



Эранинг бошларида Ўрта Осиёга Хитойдан балхитут, Кичик Осиёдан эса чинор сингари ўсимликлар келтирилиб иқлимлаштирилди. Жумладан, XII асрдаги араб манбаларидан бирида Ўрта Осиё шаҳарларидаги сарой, мадраса, хиёбон, бозорларда иқлимлаштирилган турли дарахт ва гуллар ўстирилгани хабар қилинади.

Самарқанд ўзининг боғ-роғлари билан шуҳрат топган эди. Шаҳарда манзарали дарахт ва ажойиб гулларга бурканган ҳашаматли сарой ҳамда хиёбонлар кўп бўлган. Амир Темур фармойиши билан Самарқанд шаҳри ва унинг теварагида 14 та боғ бунёд этилган. Испан элчиси Де Клавихо ўз эсдаликларида Амир Темур даврида Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари боғ-роғлар билан бурканганлиги ҳақида хабар беради.

XVI асрда Ҳиндистон, Хитой мамлакатларидан, шунингдек, Ўрта Осиёдан Европага кўплаб манзарали дарахт ва бошқа тур ўсимликлар олиб борилади ва, ўз навбатида, Европа ва Америкадан бу ерларга ҳар хил дарахтлар келтирилиб, маҳаллий шароитга мослаштирилди.

Кейинги йилларда республикамиз пойтахти қиёфаси бекиёс ўзгарди. Тошкент Ботаника боғи эса хилма-хил ўсимликлар марказига айланди. Агар Ўрта Осиё ҳудудларида табиий ҳолда тарқалган ва ўсиб турган ўсимликлар 6500 турни ташкил этса, янгидан келтирилган ва ўстирилаётганлари 6000 турдан зиёддир. Бинобарин, ўлкамиз ўсимликларининг миқдори икки маротаба кўпайган. Ботаника боғи коллекциясидаги ўсимликлардан 390 янги тури халқ хўжалигининг турли тармоқларига татбиқ этилди. Бундай изланишлар туфайли "Ўзбекистон дендрологияси" номли катта асарнинг ўндан ортиқ жилди чоп этилди. "Қизил китоб" саҳифаларида эса ноёб дов-дарахтлар ҳақида қизиқарли маълумотлар ёритилган.

**Акбар АЛИЕВ тайёрлади.**

# Музейга борамизми ёки... бозорга?




***Маънавият масканларидан бири ҳисобланадиган музейлар ҳақида гап кетаркан, музейларимизни, тарихий обидаларни бориб кўришга ҳар доим ҳам ҳафсала қилавермаслигимизни ўйлаб қоламиз.***

Яқинда узоқ қишлоқдан келган бир танишим:

–Таътилга чиқдим, озгина жамғарганим бор, бола-чақа билан Тошкентни бир томоша қилай, деб келдим, – деди.

Мен унга:

–Бу ерда томоша қиладиган жойлар кўп, театр, музей деганларидай, – дедим.

–Э, музейни қўйсангиз-чи, бозорларни кўрсатсангиз бўлди, музейма-музей юришга ортиқча пул бор эканми, – деб жавоб берди.

Аслида бундай ҳолатлар ҳаммамизга таниш. Кўпинча музейлар, театрлар ҳақида гап кетганда пули қимматлигини айтишади, қачон охирги марта музейларга борганини сўрасангиз... эслашолмайди. Лекин кўнгилочар сайилгоҳлар, чойхоналарга боришни арзонми, қимматми канда қилишмайди. Кунда-кунора бўладиган оилавий байрамларга аёлларнинг тоғора кўтариб чарчамаслиги ҳақида-ку сўз ортиқча.

Ажабо, бир марта музейни томоша қилиш учун тўйми, кўнгилочар жойларгами кетадиган пулнинг бир йиллиги хомчўт қилинса, юздан бири ҳам кетмайди, дейсиз беихтиёр. Тўю-томошалар тезда ёдимиздан чиқиб кетади. Лекин музей ва театрлардан олган таассуротларимиз бир умрга хотирамизда қолади.

Баъзида фарзандларимиз, ўқитувчимиз айтди, деб театр учун пул сўрашса, "Намунча театр – театр деб пул йиғасизлар", деган оғринишлар бўлади. Ваҳоланки, театрга пулини аяган айрим ота-оналар "Компьютер ўйнайсан-ўрганасан", дея боласига ҳар куни пул беришни оддий ҳолга айлантиришган.

*Мулоҳаза*

Ўзбекистон Давлат санъат музейи илмий котиби Асалхон Раҳматуллаева билан ҳам суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

–Музейимизга келувчилар ўтган йилларга қараганда анча кўпайди. Шунга қарамай, бу даргоҳга ташриф буюрувчиларнинг кўпчилигини чет эллик меҳмонлар ташкил қилаяпти. 50 мингга яқин санъат дурдоналаридан одамларнинг наҳотки баҳра олгилари, таассуротларини бойитгилари келмаса, деб таассуф қиласиз.

–Музейларга кўпроқ одам жалб этиш учун нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз?

–Бизнинг музей Марказий Осиёда ягона. Очиғи, бу ерга бир келиб завқ олган киши қайта-қайта келгиси келади. Гап ана шу илк таассурот, музейга бир келишга иштиёқ уйғота олишда. Бунинг учун юртимизнинг шаҳару қишлоқларида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, экскурсиялар уюштириш, энг муҳими, музейларга муносабатни боғча ёшиданоқ шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Илмий котибнинг бу мулоҳазалари ўринли. Музейга болаликданоқ ҳавас уйғотишга келсак, бир онахоннинг "Шу ёшга етиб ҳеч музейга келмагандим, яқинда неварамнинг боғчасидан экскурсияга олиб келишган экан, бувижон музейга борайлик, у ерда жудаям қизиқ нарсалар бор, деб қўймади-да, келавердим", деган сўзлари бунинг энг яхши изоҳидир балки. Яна бир танишим эса "Бундан бир неча йил олдин фарзандларимни "Ўзбекистон Қуролли кучлари музейи", Табиат музейларига олиб боргандим, орадан неча йил ўтса-да, ҳали-ҳали музейдан олган таассуротларини тез-тез эслаб туришади", деганида болаларни жуда кичиклигидан музей, театрларга олиб бориш улар маънавиятига катта таъсир кўрсатишини, ижобий кўникмалар пайдо қилишини англадим.

Юқорида биз музейларни қиммат, дея баҳона қилишади, дедик. Аслида-чи? Айтайлик, Ўзбекистон Давлат санъат музейида чипта нархи катталар учун 600, талабалар учун 400, ўқувчилар учун 200 сўмни ташкил этар экан. Ундан ташқари, нафақадор, ногирон ва мактабгача ёшдаги болаларга бепул хизмат кўрсатилади.

Бизнинг бой маданиятимизга қизиқиб хорижий мамлакатлардан сайёҳлар келишади. Бозорларимизда тўкин-сочинлик, арзончилик бўлса-да, чет элликларни бозорларимиздан кўра кўпроқ маданият масканларида кўрамиз. Тошкентга бир айланиб кетишга вилоятлардан келадиган меҳмонларнинг, аввало, қизиқадиган жойи бозор бўлади. (Бозор ишларидан кейин музейларни ҳам эслашса, майли-куя.)

Музейларимиз мозийдан сўзлайди. Шундай экан, бу маънавият масканларига тез-тез бориб туришни одатга айлантирайлик.

**Барно СУЛТОНОВА**

# Саратон тафти

## Шунга қарамай далада иш қизийди

***Бугундан жавзо охирлаб, ёзнинг иккинчи, энг иссиқ ойи саратон бошланди.***

Саратон ҳижрий шамсий йил тақвимига кўра тўртинчи ойдир. У 22 июндан 22 июлгача бўлган даврни ўз ичига олади.

Саратоннинг ўзига хос хусусиятлари кўп. Бу ойда йилнинг энг қисқа туни, энг узун куни кузатилади. Яъни, кун узунлиги 17 соату 37 дақиқагача чўзилади. Бу ҳолат олти кун мобайнида давом этади. Сўнгра кун қисқара бошлайди. Йил эса иккинчи ярмига ўтади. Кексаларнинг таъбири билан айтганда, "йил оғади". Дарвоқе, донишманд қариялар айтадики, саратон чилласи қанчалик иссиқ, жазирама келса, қишнинг чилласи шунчалик совуқ ва қаҳратон бўлар экан. Яна бир неча кундан кейин ёзнинг чилласи бошланади. "Чилла – ҳар дами тилла", дейишади. Чунки, чилла тафтидан ёз мевалари қизиллик олади.

*Бурж*

Саратонда далада иш қизийди. Бу ойда ғалла саранжомланиб, иккинчи экин экиш бошланади. Шунингдек, экишнинг кечки, сўнгги муддати ҳам шу ойга тўғри келади. Халқимизнинг "Саратонда – сара экиш, қолаверса – тариқ экиш", деган мақоли бор. Чунки, кунлар исиб кетганлиги боис, экиннинг нозик ниҳоллари то "ўзини тутиб олиб", илдиз отгунига қадар иссиқ ҳарорат таъсирида қуриб қолиши мумкин. Шу боис, саратонда иссиққа чидамли ўсимликлар, жумладан тариқ экилади.

Бу ойда ғўза тўлиқ гулга киради. Ғўза учун жуда нозик ой бу саратон. Негаки, ҳосилнинг салкам 50 фоизи шу ойда шаклланади. Мутахассислар агротехник тадбирларни оби-тобида бажариш зарурлигини уқтиришади. Айниқса, сув қуйишни. Бунда тунги суғориш ниҳоятда хосиятлидир. Бу ғўзанинг сувга қониши, баравж ривожланишига омилкорлик қилади. "Саратонда сув қуй, Асадда тек қўй" мақоли бободеҳқонларнинг асрий тажрибаларига асосланган.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ**




*«Универсиада-2007»*

# Дастлабки олтин медаллар соҳиблари маълум

***Кураш бўйича етти вазн тоифасида ташкил этилган беллашувлар якунида ўз вазн тоифаларида барча рақиблари устидан соф ғалабага эришган пойтахтлик полвонлар – Шамсиддин Саидов, Рамзиддин Саидов, Абдулла Тангриев ва Вячеслав Перетейко, бухоролик Ринат Собиров, самарқандлик Сергей Лим ҳамда хоразмлик Нурбек Искандаров олтин медаллар билан тақдирланишди.***

Нафис спорт турларидан ҳисобланган сузиш беллашувларида ҳам совриндорлар номи маълум бўлди. 50 метр масофага чалқанча сузишда маррага биринчи бўлиб етиб келган Мария Бугакова мусобақага пухта ҳозирлик кўрганини исботлаб, олтин медални қўлга киритди. Шу ўринда эслатиб ўтамиз, бу Мариянинг Универсиада баҳсларидаги илк олтин медали эмас. У 2004 йилда Самарқанд вилоятида бўлиб ўтган Универсиада спорт мусобақаларида ҳам олтита олтин медалга эгалик қилиб, нафақат ўз рекордини, балки Универсиада тарихидаги энг юқори кўрсаткични қайд этган эди. Худди шу масофада кумуш ва бронза медаллар сирдарёлик Алеся Бочина ҳамда фарғоналик Феруза Марасуловага топширилди.

Эътиборлиси, 50 метрга чалқанча сузиш бўйича эркаклар ўртасидаги беллашувларда Мариянинг укаси Данил Бугаков ҳам маҳорат бобида опасидан кам эмаслигини намоён қилиб, олтин медаль билан тақдирланди. Кумуш ва бронза медалларига эса Навоий вилояти терма жамоаси вакиллари – Ринат Имьяминов ва Темур Эргашев эгалик қилишди. Қизлар ўртасида 200 метрга эркин сузиш баҳсларида Навоий вилояти вакили Анна Фоминага тенг келадиган рақиб топилмади. Кумуш медаль пойтахтлик Наталья Плюсовага насиб қилган бўлса, наманганлик Эъзоза Валиева бронза медаль соҳибаси бўлди. Худди шу масофада навоийлик яна бир спортчи Темур Эргашев ҳам олтин медаль билан тақдирланди. Тошкент вилоятилик Никита Карянов иккинчи, пойтахтлик Павел Овченников учинчи ўринни эгаллади.



Шунингдек, кеча спортнинг баскетбол, волейбол, қўл тўпи, футбол, шахмат, теннис ва стол тенниси баҳслари ҳам муросасиз тарзда кечди. Ушбу спорт турлари ғолиб ва совриндорлари билан газетамизнинг келгуси сонларида таништирамиз.



***Суратда: универсиада мусобақаларидан лавҳалар Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.***

# Макколлнинг "иштаҳаси карнай"

***Америкалик суперогир вазнли боксчи Оливер Макколл WBC чемпионлик камарига даъвогарлик қилмоқда. Яқинда туркиялик чарм қўлқоп устаси Синан Самил Самни мағлубиятга учратган Макколл Виталий Кличкони рингга чорламоқда.***




Айни пайтда WBC чемпионлик камари россиялик спортчи Олег Маскаевда ва у 29 сентябрь куни Сэмюэл Питердан ўз унвонини ҳимоя қилади. Бу жанг ғолиби эса WBC фахрий чемпиони Виталий Кличко билан куч синашиши керак.

–Маскаев, Питер, Кличкодан қайси бири менга рақиб бўлишини фарқи йўқ. Мен чемпионлик жангида ўз имкониятимни синаб кўрмоқчиман. Яна шуни ҳам айтиб қўйишим керак. Маскаевни олдин нокаутга учратганман. Питер ҳам жиддий рақиб эмас. Кличкога келсак, уни яна нафақага жўнатиб юбораман, – дея айтиб ўтган АҚШлик 42 ёшли спортчи.

Шу ўринда эслатиб ўтамиз, Оливер Макколл 1996 йил 24 февралда Олег Маскаевга қарши рингга кўтарилиб, биринчи раунддаёқ рус боксчисини нокаут қилганди. Бундан ташқари, у 1994 йилда Леннокс Льюисни ҳам мағлубиятга учратган боксчи ҳисобланади.

*ШАХМАТ*

# Сергей кумуш медаль соҳиби

***Россияда тезкор шахмат бўйича ўтказилган халқаро турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Сергей Загребелней иккинчи ўринни қўлга киритиб, кумуш медаль соҳиби бўлди.***

Турнирда мезбонлардан ва ҳамюртларимиздан ташқари Перу ҳамда Сербиядан келган "ақл гимнастикаси" усталари ҳам ғолиблик учун кураш олиб боришди. Баҳслар давомида ҳар бир партия учун 25 дақиқадан вақт ажратилди.

**Ф.АБИЛОВ**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси вазирлик марказий аппарати Иқтисодий ислоҳотларнинг норматив-методик базасини такомиллаштириш бошқармаси бошлиғи Шавкат Қаршиевга падари бузруквори

**ЭЛОМОН ОТА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


# Корхоналар раҳбарлари ва фуқаролар диққатига!

**«Ўзбектелеком» АК «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минглаб километр узунликда металл қобиқли ва замонавий шиша толали магистраль алоқа линиялари ётқизилганлиги ва ишлаб турганлигини эслатиб ўтади. Республика телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастурига мувофиқ, алоқа тизими жадал ривожланмоқда, замонавий узатиш тизими билан жиҳозланган янги алоқа линиялари қурилмоқда. Алоқа линиялари муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қоидалари» қабул қилинган ва тасдиқланган. Барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари ҳамда жисмоний шахслар томонидан ушбу қоидаларга амал қилиш ва магистраль алоқа кабелларига шикаст етказмасликлари шартлиги кўрсатиб ўтилган.**




**МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИНИ ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛУВЧИ БОҒЛАМАЛАР МАНЗИЛЛАРИ:**

| | |
|---|---|
| **"Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали:** Тошкент ш. А.Толстой кўчаси, 23 ком-р. | 144-61-08, 132-01-26, 144-29-59 |
| ЛКЦ-0 Тошкент ш. | 50-36-79, 380-40-35 |
| КУ-1 Тўйтепа | 21-306, 21-121, 186-57-51 |
| КУ-1 ф-л Ангрен | 2-27-61, 186-57-51 |
| ЛТЦ Бекобод | 2-54-11, 316-97-53 |
| **1-Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси манзили:** Тошкент ш. А.Ходжаев к-си, 29. | 135-36-59 |
| КУ-1 Тош. шаҳри. Буюк Ипак йўли, 264. | 65-80-43 |
| КУ-2 Янгийўл ш. Чарикова ,172. | 168-72-86 |
| КУ-3 Тўйтепа ш. | 168-48-51 |
| **2-ШМАТБ манзил:** Қўқон ш. Истиқлол -58. | 55-2-24-71 |
| КУ-2 Бешариқ т.марк. Сирдарё кўч., 9. | 61-2-23-66 |
| КУ-3 Наманган ш. Нуробод масс. телевышка. | 25-08-82 |
| КУ-4 Андижон ш. Чўлпон-9. | 22-23-81 |
| КУ-5 Янгиқўрғон т. маркази Чустий кўч-1. | 52-9-24-55 |
| **3-ШМАТБ манзил:** Гулистон ш. Дўстлик қўрғ. | 27-16-20 |
| КУ Сирдарё | 57-28-98, 57-34-36 |
| КУ Жиззах | 77-05-27, 6-22-07 |
| ЛТЦ-2 Янгиер | 72-30-28, 72-30-24 |
| **4-ШМАТБ манзил:** Булунғур ш. Самарқанд–18. | 33-52-60 |
| **5-ШМАТБ манзил:** Бухоро ш. Ғиждувон -69. | 223-38-37 |
| **6-ШМАТБ манзил:** Нукус ш. Ашхобод -1. | 222-37-07, 222-00-43 |
| КУ Тўрткўл ш. | 532-30-60, 1-42 (ички) |
| КУ Беруний ш. | 524-30-60, 1-38 (ички) |
| **7-ШМАТБ манзил:** Термиз ш. Гагарин-32. | 3-59-07 |
| ЛТЦ-16 Денов ш. | 7-37-62 |
| **8-ШМАТБ манзил:** Қарши ш. Ҳуснобод-1. | 221-02-41 |
| ЛТЦ-15 Гузар ш. | 55-22-1-67 |
| **9-ШМАТБ манзил:** Урганч ш. Дусов-2. | 226-36-58, 226-36-33 |
| **10-ШМАТБ манзил:** Навоий ш. Кармана-2б. | 224-75-21 |
| КУ-3 Каттақўрғон ш. | 45-5-24-54 |
| КУ-4 Ғиждувон ш. | 57- 2-14-75 |

**Кабель магистраль алоқа линиялар муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш**

*Жумладан:*

- Рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- Кабель магистраль алоқа линиялар трассалари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- Кабель магистраль алоқа линиялар ўтган жойларини кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;
- Турли хил тоғ, қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- Кабель магистраль алоқа линиялар муҳофаза зонасидан қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- Турли хил чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;
- Магистраль линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш

**ТАҚИҚЛАНАДИ!**

***Ушбу телефонларга мурожаат қилиб, кабель магистраль линиялари ўтган жойлар ҳақида тўлиқ маълумот олишингиз мумкин. Шаҳарлараро алоқа линияларининг шикастланиши алоқа корхоналарига моддий зарар етказади, халқаро, шаҳарлараро алоқалар, ахборотлар узатиш тизимларида тўхташлар юз беришига олиб келади. Эсда тутинг! Алоқа линияларини шикастлантирган корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарарни тўлайдилар. Агарда қандайдир ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилиб қолган тақдирда, сиз кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг. Буни фақат бизнинг вакилимиз амалга оширади. Кабель участкаси манзили кабель жойлашган трасса белгисида кўрсатилган.***

**Ҳушёр ва эҳтиёткор бўлинг! Алоқа кабелларининг шикастланишига йўл қўйманг!**

*«Ўзбектелеком» АК «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали*



Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ўктам БАРНОЕВ, Ағитай АДИЛОВ, Ўткир РАҲМАТ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Фахриддин КАЛОНОВ (Масъул котиб), Комилжон МАМАЖОНОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона -136-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04. Факс - 133-44-43, 133-09-93.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-606-34; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган - 8 – 369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-765-42.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар. Ⓣ -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-517 , ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: Адади - 17910

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

23456

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru